РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Ўзбекистонда ўзбек халқининг маънавий ва мафкуравий таҳдидларга нисбатан сиёсий қарашларини трансформациялаш соҳасидаги амалга оширилиши зарур бўлган ислоҳот бу – ахборот воситалари, журналистика ва блогерлик фаолияти, ахборот оламидаги маълумотлар билан ҳар қандай кўринишдаги муносабатнинг тартибга солиниши таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется вопрос о том, что необходимая реформа в Узбекистане в сфере трансформации политических взглядов узбекского народа о духовных и идеологических угрозах – это регулирование любой формы взаимоотношений со средствами массовой информации, журналистикой и блогерской деятельностью, а также с данными в информационном мире.

SUMMARY. This article analyzes the question that the necessary reform in Uzbekistan in the sphere of transforming the political views of the Uzbek people about spiritual and ideological threats is the regulation of any form of relationship with the media, journalism and blogging activities, as well as with data in the information world.

УДК: 343.979;314.148

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ГИРДОБИ ВА УНГА ҚАРШИ ДЕҲҚОНЛАР ҚИСМАТИ

Ў.Ш.Якубов – *география фанлари номзоди, доцент*
Термиз давлат педагогика институти
Г.Б.Утепова – *география фанлари номзоди, доцент*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: коллективлаштириш, колхозлаштириш, қулоқлар, сиёсий қатоғонлар, “фавқулодда ҳолат”, зўравонлик, репрессия.

Ключевые слова: коллективизация, колхозы, кулаки, политические репрессии, «чрезвычайное положение», насилие, репрессии.

Key words: collectivization, collective farms, kulaks, political repressions, “state of emergency”, violence, repressions.

Кириш. XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати нафақат ўзбек тарихчилари, балки чет эл тадқиқотчиларининг ҳам диққат марказида бўлган мавзу ҳисобланади. Кейинги йилларда бу борада бир қатор жиддий илмий изланишлар олиб борилганига қарамай, муаммонинг юқорида тилга олинган айрим қирралари, хусусан, коллективлаштириш давридаги қатағон шакллари ва уларнинг ғоявий-ҳуқуқий асослари ҳам ҳали етарлича ўрганилмаган.

Методлар: Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокама: 20-асрнинг 20-йилларида Совет Ўзбекистонида тарихий воқеалар ривожига иттифоқ марказидаги сиёсий жараёнлар кучли таъсир кўрсатди. 1930-йил январ ойидан бошлаб Совет Иттифоқида қишлоқларда, хусусан, ўзбек қишлоқларида тўлиқ коллективлаштириш жараёнининг кучайиши билан воқеалар жадал ривожланди. Архив ҳужжатлари бу даврда совет ва партия органлари томонидан қонунларни бузиш ҳолатлари кескин ошганлигидан далолат беради [1,2]. Тўлиқ коллективлаштириш жараёнида болшевиклар, биринчи навбатда, сиёсий қатағон субъекти сифатида Советлар ҳокимиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Чунки коллективлаштиришнинг дастлабки йилларида совет тузумига қарши ҳаракатлар ва мулкни умумжамоа тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар тез орада оммавий норозиликларга айланиб кетди [3] ва ҳатто Совет ҳокимиятига қарши қуролли курашга даъват этадиган даражада тус олди [4]. Болшевиклар ҳокимиятни сақлаб қолиш ва уни ҳимоя қилиш ҳақида қайғуриб, маъмурий бюрократия, босим ва куч ишлатиш имкониятларидан тўлиқ фойдаландилар [5]. Бутун мамлакатни қамраб олган “фавқулодда ҳолат” Совет қонунчилигини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлини белгилашга қаратилган эди. Бироқ, бунинг акси бўлди: қонунга тўғри келмайдиган ҳолатларни қонунийлаштирган адолатсиз қарорлар қабул қилина бошлади. Совет қонунчилигига кўра, репрессия чораларини қўллаш асосан суд тизимига, қисман эса суд орқали эмас, ОГПУ ва НКВДга юкланганлигига қарамай [6], судларга берилган ваколатларга эга бўлмаган ташкилотларининг ваколатлари кенгайтирилди. Суд-ҳуқуқ функцияларига эга “учликлар”, туман ва вилоят ижроия қўмиталари, шунингдек, маъмурий ваколатларга эга бўлган бошқа мансабдор шахсларнинг қарорлари устуворлик касб эта бошлади. Партия органларининг директивалари, ОГПУ буйруқлари, комиссарларнинг қарорлари ва бошқа қонуности ҳужжатларининг устунлиги даври бошланди [7].

СССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 1 февралдаги “Тўлиқ коллективлаштириш ҳудудларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта ташкил этишни кучайтириш ва қулоқларга қарши кураш чоралари тўғрисида”ги қарорига биноан маҳаллий ҳокимиятлар қулоқларга қарши кураш - уларнинг мол-мулкини мусодара қилишдан тортиб сургунгача ҳукм қилувчи барча ваколатларни олдилар [8].

Ўзбек қишлоқларида қулоқ хўжаликларига маъмурий тартибда жарима солиш ваколати маҳаллий Советларга берилди [9], пахта тайёрлаш режасини бажармаганларнинг тегирмонлари ва сув тегирмонларини тортиб олинган, кейинчалик улар колхоз ва колхоз кооперативларига имтиёзли шартларда сотилган [10]. Фақат суд органларининг ваколати бўлган бундай маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатларининг маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилиши коллективлаштириш жараёнида оммавий сиёсий қатағонларни қўлга киритиш учун ҳуқуқий асос яратган.

Қишлоқ хўжалигини тўлиқ коллективлаштириш ва қулоқларни тугатиш мақсадида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига биноан қатл қилиш ва қамоққа олиш каби қатағон турлари “аксилинқилобий нутқлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар каби жиноятлар учун” қўлланилган [11]. Аксилинқилобий ҳаракатлар туркумига Совет ҳокимиятини ағдариш ва уни заифлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик киритилган [12]. СССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 31 октябрда қабул қилинган ва 1926 йил 1 июлдан кучга кирган “СССР ва иттифоқ республикалари жиноят қонунчилигининг муҳим асослари”га мувофиқ ЎзССР Жиноят кодексида жиноятлар икки тоифага бўлинган: а) совет тузуми асосларига қарши қаратилган; б) бошқа жиноятлар.

Колхоз тузумига қарши чиққан ёки унга хайрихоҳлик билдирмаган деҳқонларга нисбатан қўлланилган энг оммавий қатағонлар "қулоқ қилиш" сиёсатида ифодаланган. Сталин ва бошқа партия раҳбарларининг ҳаракатлари қишлоқ аҳолисининг

турли ижтимоий табақалари ва гуруҳлари ўртасидаги мафкуравий қарама-қаршиликларнинг янада кескинлашишига олиб келган. Архив ҳужжатлари ва ҳужжатлар тўпламларини ўрганиш шуни кўрсатадики, 1930 йил бошида ўзбек қишлоқларида совет ҳукуматининг аграр сиёсати билан боғлиқ жуда мураккаб ва зиддиятли вазиятлар юзага келган. СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши (ОГПУ) ҳузуридаги Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқарувининг ўта махфий маълумотномаларида, маҳаллий партия ва совет органларининг шошилинч телеграммаларида ер эгаларининг оммавий норозилиги мажбурий коллективлаштиришга қарши қаратилганлиги ҳақидаги фактлар мавжуд. Бу фактлардан келиб чиқиб хулоса қилишимиз мумкинки, ўзбек қишлоғида болшевиклар сиёсатига деҳқонларнинг қаршилик кўрсатиши фаол ва пассив шаклларга эга бўлган.

1929 йилнинг кузидан 1930 йилнинг баҳоригача И.В.Сталин номига 50 мингдан ортиқ хат ва шикоятлар келиб тушган. Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси (ВЦИК) ва Марказий Ижроия Қўмитаси Президиумига ва шахсан унинг раиси М.И. Калининга деярли 85 минг шикоят юборилган [13].

Ўзбекистон раҳбарларига, Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев, республика Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.Хўжаев, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби А.Икромов номига кўплаб деҳқонлардан шикоят ва хатлар тушган. 1930-йил 22-февралда Ф.Хўжаев Поп туманида яшовчи аҳоли билан учрашиб, уларнинг “колхозлаштиришга қаршимиз” деган шикоятларини қабул қилган. Уларнинг “шикоятларини ўрганиб, тегишли чоралар кўраман” - деган ваъдасидан сўнг деҳқонлар уйларига кетишган [14].

Ўзбекистонда маҳаллий хўжалик ва жамиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коллективлаштириш ва мулксизлантириш муаммолари айниқса кескинлашди. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг анъанавий деҳқончилик шакллари ва кучли маданий ва диний ўзига хослиги ҳукмрон бўлган йирик қишлоқ хўжалиги районларидан бири эди.

1930-йил март ойида Қашқадарё, Бешкент ва Косон туманларида деҳқонлар ўртасида колхозлаштиришга қарши кайфият кучайган ва уларнинг кўпчилиги жамоавий ариза шаклида колхоздан чиқиш истагини билдирган. Ушбу баёнотларнинг 272 таси маҳаллий совет ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган [15].

Коллективлаштириш даврида ўзбек қишлоқлари фожиали оқибатларга дуч келди. “Декулакизация” - қулоқларни синф сифатида йўқ қилишга қаратилган сиёсат ва мажбурлаш чоралари эди. Оқибатда кўплаб деҳқонлар ҳибсга олиниб, сургун ёки қатлга ҳукм қилинди, уларнинг мол-мулки большевиклар томонидан мусодара қилинди.

Оммавий коллективлаштириш бошланган дастлабки кунларданоқ республика хўжаликларида чорва моллари сонининг кескин камайиши кузатилган. Чорва молларини сотиш ва сўйиш кенг тарқалган, колхозларга қўшилишга мажбур бўлган хўжаликлар ҳам коллективлаштириш сиёсатига нисбатан норозилик кайфиятида бўлган. Бундай кайфиятга деҳқон ва чорвадорларнинг тушиши барча Ўрта Осиё ҳудудларида ҳукм сурган. Ҳатто Россиянинг ҳам қишлоқларидан деҳқонлар шаҳарларга, йирик ер эгалари ва зиёлийлар чет элларга қочиб кетишга мажбур бўлишган.

Ўзбек қишлоқлари ҳам бошқа миллат деҳқонлари каби бу сиёсат қурбони бўлган. Уларнинг кўпчилиги йирик деҳқон (қулоқлар) бўлиб, коллективлаштириш ва социалистик ўзгаришларга қарши чиққанликда айбланган. Шу сабабли, кўпчилик ҳибсга олинган, ҳайдалган ёки отиб ташланган ва уларнинг оилалари омон қолишга ҳаракат қилган мухтожлик ва таъкирлар гирдобида кун кечирган. Жумладан, 11.12.1937 йилда – 306 кишига, 02.12. 1937 йилда – 303 кишига, 04.12. 1937 йилда – 205 кишига, 07.12. 1937 йилда – 504 кишига, 08.12. 1937 йилда – 472 кишига, 09.12. 1937 йилда – 621 кишига, 10.12. 1937 йилда – 625 кишига, ва сўнгра 27.12. 1937 йилда яна – 11 кишига жиноий иш очилган.

Қизиғи шундаки, жиноий иш очилганлар сони 3092 тани ташкил этиб, 3644 кишига айблов эълон қилинган. Масалан, 07.12.1937 йилда жиноий ишларни кўрувчи учта гуруҳнинг бирида – 220 та, иккинчисида – 232та, учинчисида эса – 232та иш бир кунда кўриб чиқилган, ўша куни айбланганларнинг 65 нафари отишга ҳукм қилинган, 464 нафари 10 йилга, 184 нафари 8 йилга кесилган. 1937 йил декабрь ойида ҳукм чиқарилганлардан 392 киши отилган, 2572 киши 10 йилга ва яна 646 киши 8 йилга озодликдан маҳрум этилган. Бир нафар одам тергов давомида ўлган. Айбланган 3644 кишидан 95 киши “айбсиз” деб топилиб озодликка чиқарилган бўлиб, жами айбланганларнинг 1 фоизга яқинини (0,96%) ташкил этган холос.

Ушбу ҳодисанинг олдини олиш учун Совет ҳукумати маҳаллий партия Совет ва ижроия органларига ердан фойдаланишдан маҳрум қилиш, чорва молларини атайлаб сўйган қулоқлар ва деҳқонларнинг мол-мулки ва чорва молларини мусодара қилиш, шунингдек уларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳуқуқини берган. Шунингдек, у чорва молларини сўйишни чеклаш ва тақиқлаш бўйича бир қатор чораларни кўрган.

Аммо бу чора-тадбирлар кутилган натижа бермаган, аксинча, аҳоли ўртасида чорва молларини сўйиш ва сотиш кўпайган, айрим деҳқонлар чорва молларини тоғ ва дашт ҳудудларига олиб қочишга мажбур бўлган. ОГПУ маълумотларига кўра, чорвадорлар колхозларга қўшилишдан олдин чорва молларини сотишган, фақат сигирларини қолдирганлар, чунки уларни оила хўжаликларида қолдиришга рухсат берилган [16].

Ўзбекистонда ҳам деҳқонлар қишлоқларини оммавий равишда тарк этиб, шаҳарларга кетишган, уларнинг бир қисми хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлган. Бу ўз навбатида ўзбек халқининг анъанавий қадриятлар ва турмуш тарзининг йўқолишига олиб келди. Бу давр ўзбек халқи тарихида чуқур яралар қолдирди, улар бугунги кунда ҳам тарихимизнинг кора саҳифалари сифатида эсланади.

Бу эса Ўзбекистон деҳқонларининг кескин норозилигининг янада ортиб боришига сабаб бўлган. Колхоз тузумини қабул қилмаган деҳқон ва чорвадорлар “қулоққа тортилишидан” қўрқиб, бутун мол-мулкини қариндошларига сотиб ёки тақсимлаб, қишлоқларни ташлаб кетишган. 1930 йилда бутун СССР бўйлаб 200-250 минг деҳқон ўз мол-мулкини сотган ёки тарқатиб берган, улар шаҳарлар ва саноат марказларида яшаб, жон сақлашга мажбур бўлган [17]. Ўзбек қишлоқларида ҳам худди шундай манзарани кузатиш мумкин бўлган ва бу каби норозилик кўринишлари собиқ “Иттифоқ” бўйлаб кенг тарқалган. Бироқ Иттифоқнинг марказий районларидан фарқли ўлароқ, деҳқон ва чорвадорлар ўз мол-мулки ва заргарлик буюмларини сотиб, бошқа минтақаларга ёки хорижга қочиб кетишди, хусусан, Афғонистон, Туркия ва Хитойга кўчиб кетишга мажбур бўлган.

Хулоса. Шундай қилиб, ўзбек қишлоқларидаги мулкдан маҳрум қилиш бу одамлар учун жиддий ижтимоий, иқтисодий ва маданий оқибатларга олиб келган фожиа эди. Сурхондарё вилоятида ҳам 1920 йилларнинг охиридан 30 йилларнинг бошларигача,

яъни қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида деҳқонлар ҳамда майда ҳунармандлар мулкларидан маҳрум этилиши ҳолатлари юз берди. 1930 йилларда Ўзбекистонда юзага келган коллективлаштириш ва бўлиниш таҳдидлари маҳаллий аҳолининг жиддий норозилигини келтириб чиқарди. Бу жараёнлар ижтимоий қарама-қаршиликларга, кўплаб минтақа аҳолисининг даромадларини йўқотишига ва турмуш шароитининг ёмонлашишига олиб келди. Совет ҳокимиятининг қатағонлари ва зўравонликлари вазиятни янада оғирлаштирди ва ўзбек деҳқонларининг авлодлари учун узоқ муддатли оқибатларни қолдирди.

Адабиётлар

1. Центральный государственный архив Республики Узбекистан (ЦГА РУз). Ф.Р-837, Оп. 26 сч. Д.384. Л. 15-31.
2. Архив Аппарата Президента Республики Узбекистан (ААП. РУз). Ф. 58. Оп. 5. Д. 47. Л. 121-123.
3. Центральный государственный архив Федеральной службы безопасности Российской Федерации (ЦГА ФСБ РФ). Ф. 2. Оп. 8. Д. 3. Л. 236-247.
4. Архив Аппарата Президента Республики Узбекистан (ААП. РУз). Ф. 58. Оп. 5. Д. 47. Л. 113-121.
5. Советская деревня глазами ВЧК – ОГПУ – НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. Т. 3. Кн. 1. М.: РОССПЕН, 2003.
6. Свод уголовных законов УзССР, с изменениями и дополнениями до 1 апреля 1932 года Т.: Уз Госиздат, 1932. С. 26-32.
7. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940; Документы и материалы. В 2 кн. н. 1. Отв. ред. Н.Н. Покровский. М.: РОССПЕН, 2005.(п.22).
8. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III. Сост.: Р.Шамсутдинов, Б. Расулов. Т.I. Т.: Шарк, 2006.С-323.
9. Центральный государственный архив Республики Узбекистан (ЦГА РУз). Ф.Р-837, Оп. 26 сч. Д. 384. С. 130-131.
10. Центральный государственный архив Республики Узбекистан (ЦГА РУз). Ф.Р-837, Оп. 26 сч. Д. 384. С. 132-133.
11. Свод уголовных законов УзССР, с изменениями и дополнениями до 1 апреля 1932 года Т.: Уз Госиздат, 1932. С. 26-32.
12. История советского уголовного права. Герцензон А., Грингауз Ш., Дурманов Н., Исаев М., Утевский Б. Изд. 1947 г. Allpravo. ru. -2003. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.allpravo.ru/library/doc101p/instrum107/ (дата обращения: 16.02.2017).
13. Ивницкий Н. А. Коллективизация и раскулачивание. М., 1994. С. 83.
14. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III. Сост.: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов; Под ред. Д. А. Алимовой. Т. I. Т.: Шарк, 2006 С. 181.
15. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III. Сост.: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов; Под ред. Д. А. Алимовой. Т. I. Т.: Шарк, 2006 С. 139.
16. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. 1927-1939. Документы и материалы. В 5-ти томах / Т. 2. Ноябрь 1929 - декабрь 1930. М.: РОССПЭН, 2000. С. 764.
17. Виола Л. Крестьянский бунт в эпоху Сталина. Коллективизация и культура крестьянского сопротивления. М.: РОССПЭН, 2010. [Электронный ресурс] Режим доступа: http://krotov.info/libr_min/03_v/il/a_1.htm/

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада коллективлаштириш, колхозлаштириш жараёнларида келиб чиққан халқ норозилиги ва уларга қарши большевикларнинг зўравонликлари оқибатида ўзбек халқининг аянчли қисмати ҳикоя қилинади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассказывается о печальной судьбе узбекского народа в результате народного протеста и насилия большевиков над ним, возникшего в процессе коллективизации и колхозного хозяйства.

SUMMARY. This article tells about the sad fate of the Uzbek people as a result of popular protest and Bolshevik violence against them, which arose during the process of collectivization and collective farming.